



HURRIYAT

Mus'aviy gazeta

№ 36-37 (548)

2007-yil 29-avgust

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan → Chorshanba kunlari chiqadi → E-mail: hurriyat@mail.ru → http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

3 Марғилонликлар

Асл марғилонлик оқсуяк келди десак муболага бўлмас. Ранг-рўйи тоза, нигоҳлари андишали, кибрисиз, сочлари азал-азалдан калталаниб, бошида Марғилон дўппи, қўллар кўксиди, кўришишга чоғланганда кимтиниброқ, камтарона қўл чўганининг гувоҳи бўласиз.

4 Захирадаги қурол

Айни пайтда Хитой газнасида оз эмас, 1,3 триллион доллар миқдорда валюта захираси сақланади. Агар ушбу улкан маблағ бирдангина бозорга чиқарилса борми, пул массаси кескин ортиши туфайли доллар қадри тушиб кетиши мумкин...

8 «Хуррият»нинг кўксига гул тақайлик!»



Турклар, турк уруғлари, турк эллари инқирозга, йўқ бўлишга маҳкум эмаслар. Булар ўзларининг эски бешиқлари бўлган Туркистонда яна илгариги шавкат ва салтанатларини тиргизарлар... Туркистон номи бор вақтда Туркистон улугдур, зўрдур...

HURRIYATга

обуна йил бўйи

давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайси!

Нашр кўрсаткичи — 233

Кутлов

Мукофот муборак, ҳамкасблар!

Мустақиллик куни мамлакатимизнинггина байрамига айланган. Унга "Энг улуг ва энг азиз" деган тавсиф ва ташбеҳ берилиши ҳам бежиз эмас. Шу кунларда пойтахтимиздан тортиб вилоят ва туман марказларигача байрам шукҳини сезиш мумкин. Ва у бугун хонадонларимизга, қалбларимизга кўчмоқда. Айниқса, ҳалол меҳнат қилган, кўпчиликка ўрнак бўлган юртдошларимизни Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангангани ўзгача руҳ бахш этмоқда. Улар орасида деярли барча соҳа вакиллари учратиш мумкин. Президентимиз Фармони билан яна бир гуруҳ юртдошларимиз — фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Улар ичида ҳамкасбларимиз — оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда матбаачиларнинг ҳам борлиги бизни беҳад қувонтирди. Қуйида уларнинг рўйхатини беришни ва чин дилдан муборакбод этишни лозим топдик.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Усмонов Аббосхон — "Правда Востока" газетаси бош муҳаррири
Иванова Анна Витальевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати раҳбари
Ўтбосаров Икромжон — "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири

Жунайдуллаев Шавкат Ҳамидуллаевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбектелефильм" студияси режиссёри

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Иномов Собиржон — Тошкент вилояти "Покент ҳаёти" газетаси бўлим муҳаррири
Муҳамеджонов Шожалил Шоходиёвич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Спорт" телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари
Шамсиддинов Комилжон Қамаридинович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали "Таҳлилнома" кўрсатуви шарҳловчиси

«Жасорат» медаллари билан

Тошходжаева Санобар Нишоневна — Олтиариқ туманидаги "Давр овози" газетаси муҳбири, Фарғона вилояти

«Шухрат» медаллари билан

Алланазаров Шавкат Абдуҳолиқович — "Туркистон" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири ўринбосари
Ашуров Абдурасул — Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси телекўрсатувлар бўйича катта муҳаррири
Бўриев Луқмон Каримович — "Ёшлик" журнали бош муҳаррири

Ўринбосари, ёзувчи
Гуральский Михаил Абрамович — "Правда Востока" газетаси масъул котиби

Зиёев Нуртожи Гафорович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканалининг Сурхондарё вилояти бўйича радио муҳбири

Зунунов Мардонбек Давронович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Тошкент" телерадиоканали бош телеоператори

Комилов Муродулла Жабборович — "Новости Кашкадарья" газетасининг фото муҳбири

Мирхамидов Абдусайд Шарафович — Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамаиятига қарашли "Бир сафда" журнали бош муҳаррири

Мўминов Нозимжон Махмудович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Давр" ахборот дастурлари муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари

Эшматов Илхомжон Бўрибоевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телеканалининг Фарғона вилоят бўйича муҳбири

Юдина Наталья Николаевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Дўстлик" радиоканалининг бўлим бошлиғи

Юнусалиева Адиба Анарбаевна — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйининг умумтаълим мактаб дарсликлари таҳририяти етакчи муҳаррири

Юсупова Муборак Эргашевна — "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйининг муқова чеҳи муқоваловчиси

Мен кимман?



Мухаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

Агар тўрт аллома бўлса дунёда, Шухрати ҳаволаб юрган самода, Буни айтмасам ҳам, ҳамма биладир, Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир.

Агар тўрт шоирга тан берса олам, Шундоқ мартабага эришса калом, Буни айтмасам ҳам, замон биладир, Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир.

Дунёда от сурди не-не саркарда, Манаман ўқиб матбуотда кенган йиллар, Тўрттагининг ичида, башар биладир, Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!

Замонлар ўтадир санаб ҳар онин, Шундоқ давлат бўлган ўзбекистонини! Ушанда боболар, Аллоҳ биладир, Ватан манглайда мудом бўладир!

Хаяжон

«Меҳнатимиз қадр топди»

Икром ЎТБОСАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, "Халқ сўзи" газетаси иқтисодиёт бўлими муҳаррири:



— Кунни кеча Президентимиз Фармони билан ўқиб матбуотда кенган йилларимизнинг кўз олдидан ўтди. Бейхитёр устозларимиз ёдига олдим. Мени журналистика оламига етаклаб кирган, "Тонг юдузи" ("Ленин учкунини") газетасига раҳбарлик қилган Сухроб Йўлдошев, марҳум шоир Сафар Барнонинг берган ўғитларини эсладим. "Қишлоқ ҳаёти" ("Қишлоқ ҳақиқати") таҳририятида ишлаган йилларим устозлик қилиб, менингу шу даражада етишимга туртки бўлган Аҳмаджон Мухторов, Тохир Мирҳодиевдек одамларнинг умр йўлларимда учраганидан Аллоҳга минг бора шукр қилдим. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ёш давлатнинг иқтисодиётига бир тизимга солиш гадагига асосий вазифалардан бўлиб турарди. Шунданми, мени кўпроқ иқтисодиёт мавзуси ўзига тортиди, шу соҳага иқтисодлашдим. "Халқ сўзи" газетасининг биринчи сонидан буён шу таҳририятда фаолият юритиб келмоқдам. Демак, бу унвон нафақат менга, балки мен орқали барча жамоатдош ҳамкасбларимга берилди деб ўйлайман. "Астойдил қилинган меҳнат бесама қетмайди" дейдилар. Қарангки, шу кунларда бу гапнинг қанчалик тўғрилигига яна бир бор амин бўлиб турибман. Давлатимиз, халқимиз томонидан камтарона меҳнатимизни улуғланганидан беҳад хурсандман.

Нозимжон МЎМИНОВ, "Шухрат" медаллари соҳибини, Ўзбекистон МТРК "Давр" ахборот дастурлари бош муҳаррири:



— Иш фаолиятим мобайнида ўзининг ҳалол хизматлари билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган юртдошларимиз ҳақида қўп лавҳалар тайёрлаганман. Лекин ўзинг ҳақингда гапирганига тўғри келганида сал қийинроқ бўларкан. Ўйлаб қоламан, мен — Фарғонанинг олис бир қишлоғида туғилиб ўсган йигит пойтахтда ўз ўрниمنى тоғдим, ўттиз бир ёшларда камтарона меҳнатимизни улуғланганидан беҳад хурсандман.

Халқимизнинг беқисс хизматлари бор. Ҳар қандай мукофот — улкан масъулият. Демак, ҳали жуда кўп ишлашим керак. Юрт тараққиёти, жамият равнақи йўлида олиб борилаётган улкан ҳаракатларга оз бўлса-да, ҳисса қўша олсам, беҳад бахтиёрман.

Юртимиз раҳбарининг Фармони эълон қилингандан кейин ярим тунда телефоним жиринглади. Яқинларим, ҳамқишлоқларим табриклар кўнгирак қилишди. Эрталабгача кута олишмабди. Дилимдаги ўйлар бейхитёр тилимга кўчди: "Бу — Сизларнинг мукофотингиз!"

Ифтихор

Айтайлик, бирор маърака ўтказмоқчисиз. Албатта, унга анча олдиндан ҳозирлик кўришга киришасиз. Барча тадбирларни пухта режалаштирасиз. Ҳовли, теварак-атрофининг тоза-озодлигига қарайсиз, супуриб-сидирасиз, тартибга келтирасиз. Имкон қадар ҳамма ёқни сариқлашган, тайёрликдан кўнглингиз тўлгандан сўнг маросим кунини янги ёқни оҳори кетмаган кийимларингизни кийиб, хушхурсанд кайфиятда очик чеҳра билан дўст-биродарлар, қавму қариндошлар истикболига пешвоз чиқасиз.


Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимиз ҳам тенглар ичра тенг, ниҳоятда кенг, йигирма олти миллиондан ортиқ, турли миллат ва элгача мансуб аҳолини оғушига сиғдира олган умумий хонадонимиз. У ҳам ажойиб маъракага қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бу — мамлакатимиз тақдирини мутлақо янги баҳрига бурилиш ясаган, ҳаёти, мазмун-моҳиятини бутунлай ўзгартириб юборган, нури келажакни, хурлигига мустаҳкам пойдевор қўйган, чексиз имкониятлар уфқларини кенг очган, дунёга юз тўтирган тарихий сана — Мустақиллик байрамидир. Юртбошимизнинг шу йил 30 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ниҳоятда қўлимизни кенг ва таррақдундан ижтимоий-сиёсий аҳамияти, барча муҳим таъкидлий жиҳатларини аниқ-равшан белгилаб берди. Президентимиз илгари сурган "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники" ғоясида Мустақилликнинг ҳар бир фуқаро тақдирини бахтиёрлик билан қўллаб-қувватлаш, барча муҳим таъкидлий жиҳатларини аниқ-равшан белгилаб берди. Президентимиз илгари сурган "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники" ғоясида Мустақилликнинг ҳар бир фуқаро тақдирини бахтиёрлик билан қўллаб-қувватлаш, барча муҳим таъкидлий жиҳатларини аниқ-равшан белгилаб берди. Президентимиз илгари сурган "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники" ғоясида Мустақилликнинг ҳар бир фуқаро тақдирини бахтиёрлик билан қўллаб-қувватлаш, барча муҳим таъкидлий жиҳатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Олий тўёна

Энг улуг, энг азиз байрам арафасидаги ўйлар

бир кўча, ҳар бир маҳалла, ҳар бир меҳнат жамоасида бу санага ҳозирлик руҳи ҳукм сурмоқда.

Шуларни қаламга олар эканман, "Хўш, истиқлол бизга нима берди?" деган ўй кўнглимдан кечди. Бу саволга, табиийки, ҳар ким ўз дунёқараши, тафаккурини, иқтидорини даражасида жавоб қайтаради. Аввало, ўзи гувоҳ бўлган, бошидан кечирган ўзгаришларга таяниб мулоҳаза юритади. Мен ҳам бу саволга биринчи галда ўзим билган соҳа, айни пайтда аксарият жамоатчилик беҳабар бўлган, бугун оддий ҳолатда айланган китоб чикариш билан боғлиқ жараён мисолида жавоб қайтармоқчиман. Шўро даврида тўплам ҳолида чоп этиш умидида нашриётга топширилган кўпчиликлар нашриётга томонидан, аввало, мафкуравий жиҳатдан синчиклаб кўриб чиқилар, сўнгра борди-ю маъқул топилса, нашриётнинг узоқ йилларга мўлжалланган истиқбол режасига киритилар, режа, унда қайд этилган китоблар мазмунини қисқача рус тилига ўтирилиб, Москвага — юқори идора тасдиғига тақдим этилар, тасдиқдан ўтган тақдирдагина китоб чикаришга умид қилинади. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракат чиппака чикарди. Фурсат етган, жорий йил режаси ҳам юқоридидаги тахлит бо-сқинлардан ўтказилгандан сўнггина узоқ йиллик ораунгиз ушалиши мумкин эди. Баъзан қандайдир тадбир, катта адабиётнинг юбилейлари боис юқоридан нашриёт режасидан ташқари сайланма ёки томликлар чоп этиш тўғрисида кўрсатма берилар, натижада жорий режадаги бир неча китоб ҳамма қисқариб ёки бутунлай чиқмасдан қолди кетар эди. Негаки,



нашриёт юқоридан қатъий тасдиқлаб берилган босма тободан ортиқ ҳажмда китоб чикара олмасди. Замонага замонасиз юбилей ёки пролетар адабиёт асарлари бошқа муаллифлар китоблари ҳисобига босилар эди. Дехқонча айтганда, баъзан битта қалин муқовали, дохийлар, партия ҳамда саносига бағишланган ётқидай қалин, дўқонлар жавонларида чанг босиб ётадиган китоб режадаги ўнлаб, аксар ҳали номи чиқмаган ёки муаллифларнинг умидларини чилпарчин қилиб юборарди. Каминанинг ҳам пиёзнинг пўстидай дастлабки иккита шерьий тўплами ана шундай йиллаб кутишлар, умидлар билан дунё юзини кўрган. Қанча-қанча кўлэма китоблар нашриёт тоқчаларида йиллаб чанг босиб ётган, чиқмасдан қолиб кетган, бир неча ижодкорларнинг ёзганлари битта жамоа тўпламига

қўшиб нашр қилинганини айтмайсики!

Ҳозир-чи? Ҳозир муаллиф истаса ҳатто кўлэмазининг сиёҳи куримасдан китоб ҳолида чоп қилинмоқда (Мен уларнинг бадиий савияси, ўқувчига қай даражада маънавий озуқа бериши, аҳамияти хусусида тўхталмоқчи эмасман. Бу бутунлай бошқа масала). Гап — китоб чикариш жараёнининг нақадар осонлиги хусусида бормоқда. Чўнтағида Ёзувчилар уюшмасига аъзолик билети бор адабларни кўя туринг, эндиликда айрим ўқувчиларнинг иккита, ҳатто учтагача тўплам чикариши оддий, ҳеч ким ажабланмайдиган ҳол бўлиб қолди. Ўзим Зулфия номидagi Давлат мукофотига танлов ўтказувчи Бухоро вилоят комиссияси (адабиёт йўналишида) аъзоси сифатида унда иштираётган бўлиб, бунга бир неча бор гувоҳ бўлганман. Бир пайтлар Бухоронинг ўзида нашриёт, хусусий босмахона, мустақил газета ҳамда телевидение бўлиши ақл бовар қилмайдиган даражадаги воқеа эди. Бугунги кунда вилоятда ҳокимликлар муассислигида 16 та, турли давлат таъкидотлари муассислигида чиқаётган 24 та газета бор. 9 та хусусий газета чоп қилинмоқда. 1 та давлат ва 4 та нодавлат телевидениеси ишлаб турибди. 30 дан ортиқ асосан хусусий босмахона фаолият кўрсатмоқда. Ана сизга мамлакатимизнинг вилоятларидан бирида фақатгина матбуот ва матбаачилик соҳасида мустақиллик йилларида юз берган тўз ўзгаришларнинг далили. Дўппини ёнингизга қўйиб, бу ўзгаришлар салмоғини Ўзбекистон миқдосида бир тасавур этиб кўринг! Ҳозир жамоамизда меҳнат қилаётган ёш ҳамкасбларимиз

га "Газета матн ва сарлавҳалари бир пайт линотип машинасида терилиб, кўрғошинда қуйилар, талер деган металл қолиғида саҳифалар, суратлар цинкография цехида кислотали аралашмалар ёрдамида металл қишларда тайёрланиб, битта ҳарфий хатони тузатиш учун линотип машинасида бутун бир қатор қайта терилар, баъзан кўрсатилган хато тузатилиб, бошқа бир ҳарф бошқача ёзилиб кетар, саҳифалар босим остида матрицага олиниб, яхлит ҳолда кўрғошинда қуйиларди. Соғлиққа зарарли шариотда ишлардик. Босмахонадаги техникалардан қайсинингдир ноҳос ишқили қиқиб қолган тақдирда иш номаълум муддатгача чўзилиб кетарди. Бирор ҳарф, жумла ёки сурат қўриқма қолган тақдирда юқоридида баъзи бир қарорлар қайтариларди", десак ишонқирашмайди. Ҳа, таҳририятда газета чикариш билан боғлиқ жараёнлар эрталабгача давом этиши, қўлгана тонг оқариши олдиндан газетани босишга киришиши оdatдаги ҳол эди. Бугун бирор таъкидлий жамоатнинг, газетачиликнинг ҳам компьютерсиз тасавур этиб бўлмайди. Компьютер ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жуда чуқур сингишиб кетди. Газеталар таҳририятининг ўзида саҳифаланиб, босмахонага тайёр ҳолда, фақатгина чоп этиш учун бериладиган бўлди. Биз ўша энг машаққатли, таъбир жоиз бўлса, архаик техника билан газета чикариш турган бир пайтда ривожланган мамлакатлар юқори технологиялар, компьютерда иш қўрилганини эндиликда яхши биламиз. Негаки, шўро замонида капитализмга тааллуқли бирор нарса, у фойдали бўлса ҳам, ўзига олиш, қўллаш нари турсин, афзаллигини эътироф этиш ҳамқатъиян ман этилган. Капиталистик тузум ютуқларига йўл бериш социализм обрўсига, гонга путур етказди, деб қаралган. Қўлланилса, аксарият социалистик лагерда яратилган техникалар қўлланилган.

Давоми 2-бетда.



АКЦИЯ ДОРЛИК ТИЖОРАТ «ШАХТА БАНК»

барча юртдошларимизни энг улуг ва энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Истиқлол бизнинг йўлларимизни равшан, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато қилгани рост бўлсин!

Ушбу қувончли кунларда Юртга тинчлик, Сиз — азизларга хотиржамлик ҳамда саломатлик, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилайди!

«ШАХТА БАНК» — фаровонлигингиз калитидир!

ЭЪТИРОФ

Марғилонликлар



Марғилон дўпписининг чизикларидек кесишган икки йўл теграсида жойлашган кўхна шаҳар — Марғилон шу доруломон кунларда 2000 йиллигини нишонлаш тадоригини кўрмоқда. Шаҳарда улкан кошоналар бунёд этилмоқда, шаҳар гўзал қиёфа очмоқда. Бу ҳақда матбуот кўп ёзмоқда, хўп ёзмоқда.

Тилаволди ЖҲРАЕВ

Мен бугун марғилонликлар, таг-туғли марғилонликлар ҳақида сўз очмоқчиман. Уларни атроф-муҳит «шаҳарликлар» деб атайдилар. На Фарғона, на Кўқон аҳлига «шаҳарлик» тушунчаси бунчалар муносибдек туюлмайдими мен каби хаёлпарастлар дилида. Дарҳақиқат, марғилонликлар шаҳарликлар, шаҳарлик бўлганда ҳам ажодлари руҳи покни эъозлаб, фақат Марғилонга хос кадрийатлар, урф-одатларини хали-хамон соф ва пок сақлаб келатган ўзига хос ва мос бу кўхна халқ авлодидир...

Келинг, гапни уларнинг ширин-каломлигию хушмуомалигидан бошлай қолайлик. Водийда «Муомалани марғилонликдан ўрган» деган калом божиз кезиб юрмайди. Магарким, шоиру фузалоларимиз таъриф берган «сузи бол» рост бўлса, бу фақат марғилонликлар... Тўй-тўйчиқдаги, изди-ҳомлардаги муомала, чакқон хизмату мулозаматни кўрсангиз, минг беғам бўлинг «Балли, отанга раҳмат» дея, албатта, кўнглингиздан ўтказасиз. Дилкашлар эса бу тасаннони ҳар гал инкишоф этадилар.

Уздан улугни, хешу акрабони улуглаш борасига келсак, марғилонликларнинг «лар» махсус қўшимчаси бор: «дадамлар, бу-вавлар, укамлар... келдилар, кетдилар». Бирорта уруғ-аймоқ, бирорта меҳмон, ҳатто суҳбатнинг йўқ иштирокчиси ҳам «лар» билан сийланмай қолмайди.

Асл марғилонлик оқсуяк келадидека десак муболага бўлмас. Ранг-рўйи тоза, нигоҳлари андишали, кибриси, сочлари азал-азалдан калталаниб, бошида Марғилон дўппи, кўлар кўсида, қўришишга чоғланганда қимтиниброқ, камтарона кўл чўзганининг гувоҳи бўласиз. Аёлларнинг эса улуг шоирамиз таърифлаганидек, кўп ҳолларда «юзларига парда тортиглик»... Деганимизки, ифбат, одоб, андиша, вафою садоқат, та-

рихлар қатидан ўзбек аёли не яхши хислатларни эҳтиётлаб келатган бўлса, барчаси мужассам Марғилон аёлида. Улар Марғилоннинг «она»лари, асл марғилонликларнинг туганмас булоғи, авлодлар яратгувчи дилбандлари...

Аёллар умри асосан уйда кечадидека, десам яна муболага қилган бўларман. Марғилоннинг эркак остана тушунчасини эъозлайди, хонадонни ёмон кўзлардан асрайди. Марғилонликларнинг эшигини очсангиз, аввало, кўзингиз эшикдан кейинги пардага тушадидека, оила дахлсиз, пок, иймон-этиқодли бўлиши шарт. Бу деганимиз, албатта, аёллар «қаммаб», чеклаб қўйилган деганимиз эмас. Ҳаётнинг турфа жабҳаларида уларнинг ўз ўрни бор. Фақат бозор-ўчарга аралашмайдилар. Бу юк ҳаммаша эркаклар гаданида бўлган. Марғилон эркакига хос яна бир нарсаси, ажодлардан мерос гап: «Уйга ҳеч қачон қуруқ кўл билан келма, ҳеч бўлмаса, ерда ётган чўпни кўтариб ол». Марғилон аёли кут-баракани фақат эркакдан излагани, аммо унинг қўлига қараган эмас. Айниқса, дўппилар, ўша етти икклимга донғи кетган дўппилар хонадонларда, аҳли аёллар томонидан тайёрланади.

Оиланинг тўқинлиги асосан эркаклар меҳнатидан эканини яхши билган марғилонлик аёллар ўта тежамкор, ўта эҳтиёткор. Андиша ила хўжайини кўзига ҳеч қачон тик боқмайдиган аёллар ўчоққа, қозонга, омборга жуда тийрак боқадилар, қилни қирқ ёриб, бирини икки қиладилар.

Марғилон яқин атрофидан

бўлганим учун, дадам ёшлигимданок Марғилонга, дўстлариникига бошлаб келарди. Қишлоқда бир гарам ўтин билан пишадиған ош бир сиқингина, майда бўлаклардан тахтачаларда зумда пишиб қолганини ўшанда кўрганман. Уйинқароқ бўлгансан, дея

ш у б х а қ и л и ш г а д а р р о в у р и н м а н г . Бу ҳолинг бир неча бор гувоҳи бўлганман. Марғилонликларнинг бир чимдим чойини ичганмисиз, бир сиқим гурчдан о ш и н и е г а н м и с и з , а н а ў ш а н д а б и л а с и з а с л М а р ғ и л о н л и к л а р н и н г х у л о с а ш у қ и , м а р ғ и л о н л и к л а р т е ж а б - т е р г а б я ш а й д и л а р , и с р о ф г а р ч и л и қ к а а с л о й ў л к ў й м а й д и л а р .

Марғилонликларга хос яна бир хислатга тўхтамасликнинг иложи йўқ. Марғилонда «бировнинг ҳаққи» деган ақида бор, у ҳеч қачон бузилмайди. Ҳар бир марғилонлик учун бу муқаддас тушунча. Тарозидан уриш энг катта гуноҳ хисобланади. Ишонмасангиз, лаҳча гўшт тортириб кўринг, албатта, торозининг гўшт турган палласи босиб туради. Ҳозирда айрим бозорларда нарсадан индамай-нетмай уриб қолинаётган пайтада, бу ҳам ажиб бир ҳол.

Бир кун ийўлда кўқонлик бир тижоратчи йигит билан гаплашиб қолдим. Қисқаси, Марғилон уни-версамидан анча-мунча нарсалар харид қилибди-да, бир ўрам қолбасани нутиб қолдирибди. Анча вақтдан сўнг ёдига тушиб қайтиб бурса, қолбаса устида қозғоча турган, унга «қўқонлик оғайниники» деб ёзилган экан.

— Ака, — деди у гапидека давом этиб, — марғилонликлар жума намозга расталарда нарсаларини ташлаб кетаверар эканлар...

Бу — чин гап. Жума пешинда расталарни айлансангиз, мол эгаларини топмайсиз. Озиқ-овқат

бўладими, бошқа нарсаларми, устига дока ёхуд сув қоғоз ёпадилар-да, қолдириб кетаверадилар. Марғилонликлар ана шундай, иймон-диёнатга ишонадилар.

Марғилоннинг йигити шўх, дадил, ўзига ишонган бўлади, кексарради-ю, шукронали доно мўйсафидга айланади. Дарҳақиқат, жуда-жуда нуруний қарийдилар. Забонларидан шукроналик тушмайди. Кекса бир танишим бор, ҳар гал сўзида бугунги кунга шукр қилади: «Қаранга-а, — дейди у шукр-шукр дея, — Марғилон дўппидекина шаҳар эди-я, барча тор-тор уйча, ҳовличаларда бижғиб яшарди, хўп мустақиллик бўлди-ю, оёқни узатиб яшайдиган замонлар келди-я. Шаҳар кундан кунга кенгайиб боряпти. Шукр, шукр, шукр...»

Киндик қони тўқилган жойни, ватанини севшида ҳам уларга ҳаваси келади кишининг. Шу боис бўлса керак, «Қаргалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига», «Марғилон борай дедим, боролмадим» каби соғинчи орзиқиш сатрлари дунёга келгандир.

Тақдир тақозаси билан 70-йиллар эди, Жиззахга бориб қолдим. Бозорга кирдим. Бир пайт қандайдир аёлни мен томон ошиқиб келатганини кўриб қолдим. Менга талпинар экан, аллақачон кўзларидан оби дийда оқа бошлади. Ҳамма ҳайрон, у менга етиб келди-ю, кийимим барларидан ўпа бошлади. «Дўппингдан айланай, — деди у дўппили бошимни силаб, — вай, ўзимни Марғилоним-а, қанчалар бўп кетти-я...»

Марғилонликлар юртини ана шундай севадилар, дегим келди, аммо уларни турғун деб бўлмайди. Ҳозир марғилонликларни юртимизнинг кўплаб худудларида учратиш мумкин. Чунонки, тижоратчилик, ошпазлик, хуллас, касбкор жихатидан ҳам уларнинг олдига тушадиганлар кам... Улар Марғилондан узоқдаликни ҳам қиймага келтирадилар: ахиллик шу даражадаки, биров-бировини ҳеч қачон беғона демайди.

Марғилон халқи ҳақида сўз очиб, ҳолимга яраша шахсий кузатишларимни ўртоқлашар эканман, икки минг йиллик тарих лаҳзаларини тасаввур қилишга, Марғилоннинг улуг ўтмишию алломалари, навқирон авлодлари ҳақида хулоса қилгим келди: улуг халқ бу, улуг... Икки минг йилнинг муборак, кўхна ва азиз Марғилоним!

Суратда: яқиндагина таъмирдан чиққан Пир Сиддиқ зиёратгоҳи.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ олган сурат

Хиссиёт

Ватан туйғуси

Тонг отмоқда... Тоza ва салқин ҳаво тонгги хисларни кўзатиб, бошланаётган янги куннинг ташвишлари сари чорлайди. Турфа гулларга қўнган шудринлар марварид шодлари каби ялтираб, дилдаги ажиб туйғуларни уйғотади.

Мунаввар ва музаффар тонг гулгун ҳечрасини маълум лаҳзалар намоеён этиб бўлган, ўрнини фараҳбахш кун эгаллайди. Зангор ва юксак тоғлар ортидан еру заминимизни ўз нурларига чулғаш учун мўраляётган кўёш самога буй чўзади. Шунда майсалар, чаман бўлиб очилиб ётган гулу райхонлар устидаги бир лаҳзалик умрларини кечираватган марваридсифат биллур шудринлар кўёш нурларининг меҳру муҳаббатга, қайноқ эркалларига дош беролмай унга ўзини бахшида этади. У ерга пар мисол, дур мисол тўқилиб, унинг чанқоғини қондиради. Кўёш тафтидан нур эмаётган замин эса бу муҳаббат ва садоқат, сийловлардан лов-лов ёниб, бугун мавжудот ва борлиқни ўз зийёси, меҳри оғушида аллайди. Ана шу лаҳзаларда меваларга шарбат ва ранг инади, боларилар бол йиғади, булбуллар гулга, чанқанган диллар муҳаббатга интилади. Ушбу гўзал лаҳзаларда кашфиётлар яралади, чақалоқлар дунёга келади, одамзод ўз меҳнатидан ва салоҳияти самараларидан

роҳат олганча қизгин ҳаёт кучоғига интилади. Дунё дунёларга, зиё эиёларга, имкон имконларга боғланади.

Бу юксалиш туйғулари Ватан деган ила инсон қалбини ўз қадрдон замини ила боғлаб бораверади. Ҳа, бундай гўшад, юрт деган гўзал масканда кечаётган ҳаёт ҳам ана шундай бетакрор ва гўзал, тотли ва фароғатлидир. Чунки Ватансиз яшамок файзсиз ва мазмунсиз, қувончу севинчлардан мосуво, бекадр ва маънисиздир.

Ҳа, Ватан қалбада шундай бетакрор ва улуг, мўтабар ва ёруғ тушунчаки, уни фақат юртдан олис кетганда эмас, балки у билан кечган ҳар лаҳзаларда, онларда ҳис этмоқ, унинг мусаффо ҳаволярию сермавж наволарини, бўлиқ тупроқларию мовий осмонини соғинмоқ, уни авайлаб-асрамоқ, яшнатмоқлик улуг шарифдир. Ана шунда юракда бир тўлғоғиши, бир уйғониши, бир тотли хонишини ҳис қилсанки, бу туйғу Ватанини соғиниши, Ватанга топиниши, Ватанини севиши туйғуси эканлигини англайсан.

Бу туйғу ҳар недан улуг ва ҳар недан кутлуғдир...

Бу туйғу гўзал ва бетакрордир...

Марям АҲМЕДОВА

Сиесий шарҳловчи масъулияти

Миллий матбуот марказида "Босма ва интернет нашрларда ижтимоий-сиесий мавзуларнинг ёритилиши: муаммо ва ечимлар" мавзусида семинар ўтказилди.

Таъдбир Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда "Сиесат" ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиздаги етакчи газеталар, ахборот агентликлари раҳбарлари, сиесий шарҳловчилар иштирок этадилар.

Бугун мамлакатларнинг миллий манфаатлари тақдирини ҳарбий тўқнашулардан ҳам қура ахборот майдонидеги курашларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бундай шароитда оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикрнинг шакллантириш билан бирга халқро микёсда мам-

лакат қиёфасини белгилаб берадиган, нуфузини мустаҳкамлайдиган қудратли кўчга айланмоқда. Жамият ҳаётидаги янгилашларни, мамлакатда амалга ошириляётган сиесий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар қўламини кенгайиб бораётгани, улар моҳиятини кенг халқ оммасига етказишда ҳам ОАВ ходимлари, хурусан, сиесий шарҳловчилар масъулияти ошиб борапти.

Семинар давомида ОАВнинг айна шу йўналишдаги вазифалари нечоғлик баҳарилангани, мамлакат ташқи ва ички сиесатининг ёритилиши, бу борада сиесий шарҳловчиларнинг касбий малакасини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Таъдбирда қайд этилдики, мамлакатимиз матбуоти саҳифаларида дунёда руй бераётган турли ҳодисалар таллаб даражасида ёритилмапти. Сиесий воқеаларни ёритишда баён етакчи урин тутгани ҳолда чуқур таҳлил, муаллифининг аниқ позицияси кўзга ташланмапти. Бунга сабаб сифатида профессия-

нал шарҳловчиларнинг камлиги, таъдбирнинг янги йўналишига қамқов бўлиши ва кенг дунёқараши, катта ҳаётий тажриба ва чуқур билим талаб этадиган соҳага ҳамма журналистлар ҳам қўл уришга журъат этаётганини ҳам қайд этиш жоиз.

Семинар давомида ОАВда заиф нукталардан бири бўлиб қолаётган сиесий шарҳловчилар фаолиятини жонлантириш йўллари муҳокама қилинди. Еш ва истеъодли журналистлар орасидан юксак малакали сиесий шарҳловчилар тайёрлаш учун Жамоат фонди, "Сиесат" ахборот-таҳлил маркази ҳамда бошқа мутаассиди ташкилотлар билан биргаликда ўқув-маҳорат курслари ташкил этишга қарор қилинди.

Азиз РҲЗИЕВ



НИГОХ

Захирадаги қурол

Хитой газнасида сақланаётган 1,3 триллион доллар жаҳон иқтисодини издан чиқариши мумкин

Бутун дунёни харбисиз эгаллаган АҚШ доллари тақдири Хитойга боғлиқ дейилса, галати туюлиши, бу гапга қўпчилик ишонмаслиги ҳам мумкин. Лекин қанчалик ажабтовур бўлмасин, бу гапда маълум маънода жон бор. Айни пайтда Хитой газнасида оз эмас, 1,3 триллион доллар миқдорда валюта захираси сақланади. Агар ушбу улкан маблаг бирданига бозорга чиқарилса борми, пул массаси кескин ортиши туфайли доллар қадри тушиб кетиши мумкин...

Хитой ҳукумати ўз газнасидаги ана шу катта захирадан АҚШ билан музокаралардаги позициясини мустаҳкамлаш йўлида фойдаланишга қарор қилган кўринади. Яқинда расмий Пекин АҚШ миллий валюта — Хитой юани қадрини оширишни талаб қилиб босим ўтказишда давом этса, иқтиёридаги катта миқдорда долларни бозорга чиқариши ҳақида оголантирган. Ҳозиржавоб Хитой матбуоти бу ҳолатни ядро қуроли қўллаш билан қиёслаган.

АҚШ ҳукумати Хитой раҳбариятидан тобора қадрини йўқотаётган юан курсини оширишни кўпдан бери талаб қилиб келади. Лекин бошқа сиёсий шартлар каби мазкур талабга ҳам Пекин расмийлари кўп-да рўйхушлик беришавермайди.

Хитой томонининг Вашингтон талабига эътибор бермаётганини икки жиҳат билан изоҳлаш мумкин. Биринчи жиҳат мамлакат ташқи сиёсати билан боғлиқ. Дунё майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб келаётган Хитой бошқа мамлакатларнинг, хусусан, геосиёсатдаги рақобатчи давлатларнинг талабларини кўпинча эътиборсизлик билан қолдиради. Ҳукумат кўпинча сиёсий характерга эга талабларнинг тан олиншини хатоларни эътироф этиш билан баробар деб билади.

Иккинчи жиҳат соф иқтисодий манфаатга дахлдор. Хитой ҳукумати миллий валюта — юан қадрини паст ҳолда сақлашга уринаётгани ва курсни кўтариш ҳақида сўровларни рад этаётганини бундан мамлакат иқтисоди катта фойда олаётгани билан изоҳлаш мумкин. Масалан, ўтган икки йил давомида юан қадри бор-йўғи 9 фоизга ўсди. Хитой валютаси курсининг долларга



нисбатан паст юриши эса миллий ишлаб чиқарувчиларга қўл келмоқда: улар нисбатан арзон баҳода сотиб олинган хом ашё асосида тан нархи паст ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Пировадиди, биргина 2006 йилда АҚШнинг Хитойга нисбатан тўлов мувозанати камомати 232,5 миллиард долларга етди. Хитойнинг профицити (фойдаси) эса 177,5 миллиард долларни ташкил этди.

Юан курси ҳозир ҳам пастлигича қоляпти. Бу эса табиий равишда Америка маҳсулотларининг Хитой моллари билан рақобатлашувини янада қийинлаштиряпти. Қўшма Штатлар иқтисодий доираларининг талабларига эса Хитой томони таҳдид билан жавоб қиляпти.

Буюк девор мамлакатга газнасида сақланаётган 1,3 триллион долларнинг муомалага чиқарилиши пул қадрсизланиши билан бирга яна бир оғир иқтисодий оқибатга олиб келиши мумкин. Гап шундаки, зикр этилган маблагнинг катта қисми — 900 миллиард доллар АҚШ қимматбаҳо қозғалари, газначилик облигациялари билан кафолатланган.


Табиийки, уларнинг бир пайтда муомалага чиқарилиши қимматли қозғалар бозорига устама физ нархини кескин оширади. Бу эса Америка ипотека бозорига тузуккина зарба бўлади.

АҚШ доллари қадр-қиммати мамлакат олтини билан мустаҳкамланган. Бу эса доллар курсининг юқори кўрсаткичда сақлаб туриш омили саналади. Тарихда долларнинг олтин билан кафолатланиши миллий иқтисодга салбий таъсир кўрсатган ҳолатлар ҳам кузатилган. Масалан, 1965-1967 йилларда АҚШ французларга доллар эвазига жуда катта миқдорда қимматли металл беришга мажбур бўлган. Айтишларича, ўшанда доллар билан тўлдирилган кемада Америкага келган француз раҳбари Шарль де Голль мамлакатнинг 3 минг тонна олтинини олиб кетган экан.

Ҳозир кемага юк бўладиган даражадаги пулни олтинга айирбошлаш имкони йўқ. Лекин бугунги ҳолат ҳам кўп жиҳатдан ўша 1960-йиллар даврини эслатади. Ҳозир ҳам худди бундан ярим асрча олдин бўлганидек улкан доллар захирасига эга бўлган давлат Қўшма Штатлар иқтисодига дахл қилиб турибди. Давр бошқа, рақобатчи давлат бўлак. Лекин ҳолат ва оқибат бир.

С. КАМОЛ

P.S. Доллар курсининг тушиши фақатгина Америка миллий иқтисодига таъсир этиб қолмай, бутун дунё бозорига акс-садо бериши турган гап. Негаки, бугун жаҳон иқтисоди кўп жиҳатдан АҚШ доллари билан чамбарчас боғлиқ кетган...



Дараклар

Маҳмуд Аббос раҳбарликдан чарчади
Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос кейинги сайловда ўз номзодини қўймайди. Бу ҳақда The Jerusalem Post газетаси хабар берган.




73 ёшли Маҳмуд Аббос охириги пайтларда сиёсий фаолиятдан чарчагани ва дам олиши кераклигини бот-бот тақрирламоқда. Кузатувчилар мухторият етакчисининг Исроил билан алоқаларни яхшилаш олаётгани туфайли унинг кейинги муддатда сайланиши эҳтимоли камлигини ҳам ургулашмоқда. Мухторият раисининг шахсий гвардияси раҳбари

Тафсилот

Фирромлик билан ҳақиқатни яшириб бўлмайди

Дунёга машҳур компаниялар ўз нуфузини сақлаб қолиш, рақобат майдонидида ютиб чиқиш учун нималарга қўл урмайди дейсиз. Охириги пайтларда бу йўлда фирром усуллардан фойдаланиш ҳам кенг урф бўляпти. Катта-катта компанияларнинг фиррибарлик, ҳужжатларни сохталаштириш каби айбловлар билан тергов бераётгани ҳам бунини тасдиқлайди. Тўғри, қуйида келтирилаётган ҳолат компанияларни маҳкамага тортишга арзимас. Лекин мазкур ҳаракатни ҳалол рақобат ўйинидаги фирром усуллардан бири ҳамда тарих ҳақиқатини бузишга уриниш деб баҳолаш мумкин.

Айни пайтда бир қатор таниқли компаниялар Википедия электрон энциклопедияси мақолаларини ўз манфаатлари йўлида ўзгартиришда айбланмоқдалар. Маълум бўлишича,



WIKIPEDIA

айрим компаниялар энциклопедия саҳифаларида мавжуд ўзлари ҳақидаги нохуш маълумотларни ўчириб ташлаганлар ва бунинг ўрнига омма олдида нуфузни оширувчи сохта маълумотларни киритганлар.

Онлайн тизимида ишлайдиган мазкур қомусдан истаган соҳа, хоҳлаган шахс ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Интернет тармоғидаги энг оммавий энциклопедия саналган Википедиянинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унга истаган одам янги маълумотларни қўшиши мумкин. Лекин бу қомусни ёлгон-яшиқ сўзлар билан тўлдириб ташлаш мумкин дегани эмас. Википедияга ахборот киритиш жараёнини WikiScanner тизими текшириб туради. Бу жараёнда ҳаттоки маълумотлар қайси мамлакат ва

қайси компьютердан қўшилгани ҳам аниқлаш мумкин. Қомуснинг айрим фирма ва компаниялар тўғрисидаги маълумотлари ўзгартирилгани ҳам WikiScanner орқали фож этилган.

Сўнгги пайтларда АҚШда Seroquel дори воситаси каттик танқидга учрамоқда. Мутахассислар томонидан мазкур дориининг истеъмол қилиниши ёшларда ўзини ўлдиришга майл уйғотади деган хулоса берилди. Бу маълумот энциклопедияга ҳам киритилган эди. Махсулот харидининг кескин тушиб кетишидан катта зарар кўрган асосий ишлаб чиқарувчи — AstraZeneca компанияси оғир вазиятдан чиқиш учун Википедиядаги ахборотни ўчириб ташлади.

Dow Chemical компанияси эса 1984 йили унга қарашли Union Carbide кимё заводида рўй берган портлаш ҳақидаги ахборотни йўқ қилган. Эслатиб ўтамиз, бундан чорак аср муқаддам рўй берган портлашда 20 минг одам ҳалок бўлган. Фожия компания нуфузига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаган раҳбарият энциклопедия саҳифаларини нохуш ҳодиса ҳақидаги


эслатмалардан тозалашга қарор қилган.

Ехон Mobil нефть компанияси ҳам Википедия энциклопедиясини ўз манфаати йўлида ўзгартирган. 1989 йили Ехонга қарашли Valdez танкери очик уммонда ҳалокатга учраган. Ўшанда улкан нефть кемасининг ҳалокати оқибатида Алясканинг 32 мингга яқин аҳолиси 5 млрд. долларлик зарар кўрган, бироқ компания томон пулини тўлаб бермаган эди. Ехон Mobilчилар амалда қонуний зарарни қопламаган бўлсалар-да, ҳеч бўлмаса миллионлаб ўқувчиларни сохта маълумотларга ишонтиришга ҳаракат қилишган. Компания вакили томонидан киритилган ўзгартиришга қўра, Ехон Mobil ҳалокат рўй берган заҳоти жабр кўрган аҳолига зарур миқдордаги молиявий ёрдамни кўрсатган эмиш.

24 ёшли Виргил Гриффит томонидан кашф этилган WikiScanner тизими ёрдамида, шунингдек, Wal-Mart, Disney, Sony компаниялари, бир қатор расмий идоралар томонидан ҳам маълумотлар ўзгартирилгани аниқланган. Ўтмишни ўз манфаати йўлида ўзгартириш, тарих ҳақиқатини бузишга уриниш ҳамма даврларда ҳам кузатилган. Лекин шуниси аниқки, фирромлик ва сохталик билан ҳақиқатни беркитиб бўлмайди.

Марсда ҳаёт бор...

Марсда ҳужайралари сув ва водороддан ташкил топган микроблар бўлиши мумкин. Гессен университет профессорси Йоп Хоуткопер "Викинг" фазовий қурлими орқали олинган маълумотларни ўрганиб чиқиб ана шундай хулосага келди.



Хоуткопер версияси "Викинг" қурлими ёрдамида олинган таҳлилларга асосланган. Олимининг таҳминига қўра, қизил сайёрадан топилган пероксид водороди тирик ҳужайраларнинг қуруқ иқлимда яшаб кетиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Камола МИРЗОҒАРОВА тайёрлади

Акциядорлик тижорат «ТУРОН БАНК»




ОЗОД ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
1 СЕНТЯБРЬ — МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН
ҚИЗГИН ҚУТЛАЙДИ!

Мамлакатимиз
осмони мусаффо,
дастурхонимиз
тўқин, хонадонларимиз
фаровон бўлсин!

ИСТИҚЛОЛНИНГ 16
ЙИЛИ МУБОРАК,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«Турон банк» Сиз билан, Сиз учун!



«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Озод ва обод Ватанимиз фуқароларини Истиқлолнинг ўн олти йиллик тантанаси билан қизғин қутлайди!



Кадр

Илгарилари бирор шоир ёки ёзувчининг китоби чиқибди, деса ижодкорлар ўртасида овоза бўлиб кетарди. Оддий қаламқашларни кўя турайлик, ҳатто ўнвонли ижодкорлар ҳам омадли ҳамкасбига ўз хурсандчиликларини изхор этишга, табрикка ошиқиб қолишарди. Бунинг ўзига яраша «замонига хос» сабаблари бор эди, албатта. Чунки пиёзнинг пустида китоб тайёрлаб, нашриёт эшигидан киритиб юборсангиз, пешонасига еган «печать» ва имзолардан омон чиқиб дўкон пештахталарига етиб боргунча йиллар ўтарди. Энг сара, ажойиб асарлар ҳам тоталитар тузум номи-ларни (цензорлари) тоғорасига тўғри келмаса, ғаладонларда ўн йиллаб чанг босиб ётарди.

Абдунаби БОЙКЎЗИВ

Бугун-чи? Вазият ўзгарди. Ижодкорлар у ёқда турсин, ҳатто, оддий ишбилармон ёки пулдор одам тўрт жумлани қорала(ти)б, тўрт варақча жамласа ҳам тақдиротлар уюштирилиб, тантаналар ташкил этиладиган қизик замонлар бўлди.

Бирор журналист бир умр суякларни сиркираб, пешона терларни тиркираб тўплаган дилдаги гапларини рисола қилса-чи? Тўриси, бундай китобни ўқувчи бироз ажабланиброк қўлга олади, одатда. Нега? Чунки журналистлар сўзни олимлардай илмга бўктириб, шоир ёки ёзувчилардай хаёли, ҳис-ҳаяжон денгизи-га чуқуриб ёзолмайдилар, деганга ўхшаш андак нотўғри тасаввур шаклланиб қолган идрокимизда. Аслида юракларни ёниб ёзадиган журналистларимиз жуда кўп. Жаббор ака Раззоқов ҳам ана шундай ижодкорлардан.

«Тугруқхонада танишинг бўлмаса ўғил кўриб бўлсан...»
Биласизми, бу гапни ким айтган? Бу гапни ўша — миллий мабуотимизнинг фидойилари-дан Жаббор Раззоқов бундан йилгирма беш йиллар илгари, Совет деган тузум кутуриб турганда, «Талваса» номли ҳажвасида айтиб юборган эди. Билиб айтганим, билмай айтганим, ҳар қалай, айтиб юборган эди.

Хўш, муқаддамда эслганимиз тоталитар тузум билан юқоридидаги жумланинг қандай боғлиқлиги бор?

Бор, дўстим, бор! Йўқса, Жаббор ака ёзиб ўтирмасди бунақа гапларни. Унда нега гап кесимида «эди», деб ўтган замон феълида фикрларимиз? «Берди»сини айтгунча бетоқат бўлмай турасиз, азиз ўқувчи.

Икки ойча олдин Жаббор акадан ҳол-аҳвол сўраш ниятида ишончли «Навоий 30»га борувдим. Мурод ҳосил бўлган, хайрлашиб чиқиб кетаётсам:

— Шошманг, манавиниям бир кўринг-чи, — деб қўлимга бир китобча тутқаздилар.

Одатда Жаббор оқсоқол ҳар гал йўқлаб борганимда эркин ижодкорлигим учун ердан бўлсин дебми ёки кутлуг уйдан қуруқ чикмасин дебми, қўлимга тўрт-бешта янги китоб, журнал ёки газета тутқазар ва орасига гўё билмай бериб юбораятгандай, анча-мунча оқ қозонни ҳам жойлаб қўядилар.

Бир журналист олами

бўлсин қилдим ва шоша-пиша китобчани папкамга уриб жўнадим.

Уйга келиб, ёстиқни қўлтиққа қисиб, рисола ни ҳижжаладим. Таажубим ошганини ҳам яширмайман ва ўзимга ўзим саволлар берганим ҳам рост: «Шу ҳикоя, шу ҳажвия, шу жумла, иборалар ўзимизнинг Жаббор ака ижоди маҳсулими? Е, тавба!»

Китобни 2004 йилда «Ижод дунёси» нашриёти чоп этган эди. Нега энди шунча йилдан буён кўрсатмади экан? Беихтиёр «Камтарлик ҳам эми билан-да, Жаббор ака?» деб юборибман. Биздақлар бўлса газетда мақоламиз чиқса ҳам варақча қилиб, қўринганга кўрсатиб, мақтанлиб юрамиз. Сиз бўлсангиз...

Негадир, «Умр бир қўшиқ»ни чоп этган нашриёт ўз ўқувчисига муаллифнинг ижодкор сифатида катта даъволари йўқлигини айтиб қўйиш учунми, «У ҳаётда ўзи дуч келган оддий воқеа ва ҳодисаларга журналистларга хос кўз билан қарайди», деб алоҳида таъкидлаб қўйишни маъқул кўради. Бу жумла ҳам аслида ўта камтар муаллиф (нашриёт директори)нинг рисолачага муҳаррирлик қилган ҳодим қаламига таъсири натижада битилган бўлса ажаб эмас...

Рисоладан жой олган биттиклар, ҳақиқатан ҳам, аннотацияда таъкидланганидай, оддий бир журналистнинг шунчаки кузатувлариди? Йўқ, азизлар! Сўзимиз исботи учун рисоладан жой олган бор-йўғи ўн тўрт қатордан иборат «Арча» номли қатра хояқони тўлиқ келтирирман.

«У ҳамиша кўм-кўк. Она тупрок бағрида униб қўёнинг заррин нурларини эма бошлабдики, бир хилда ўсади. Рангини ўзгартирмайди: ям-яшил. Қўшининг чиласида новдалар оппоқ қорларга буркангандай беихтиёр келинчаққа ўхшаб кетади. Баҳорда ҳам севимли либосини ўзгартирмайди. Фақат янги новдалар ёзиб, уйғониш фаслини қўтлайди. Ёзининг жазирамасида ҳам ҳеч нима кўрмагандай, виқор билан савлат тўкиб тураверади.

Тўкинчилик фасли кузда ҳамма ёқ олтин рангга чулғаниб, дов-дараклар ўз тўнларини ерга ташлаганида ҳам, у аввалгидай яшнаб тураверади. Қиёфасини ўзгартирмайди.

Ҳамма одамлар табиатида ҳам арчадаги ана шу хусусият бўлса, қаниқиди...»

Манзуманинг бор-йўқ келбати шу. Бундай олиб қараганда, қатрада одамни ўйлантирадиган ҳеч нарса йўқдай...

Келинг, хулосага шошмайлик. Ҳар ҳолда жимиртаққина асар рисолага беҳиз кириб қолмагандир!

лар табиатига хос бўлган буқаламунона ҳаёт тарзини ўзига эп билмайди.

Арчани мен негадир муаллифнинг ўзига қиёс қилгим келади. Ёз, қуш, баҳор демай бир хилда турувчи, атроф-муҳитнинг зўғум-захматларига қараб табиатини турлантиравермайдиган бу гўзал

сарв хилқат айнан муаллиф-қаҳрамонимизнинг феъл-атворини ифодалаб тургандай бўлаверади, менга.

Хўш, бу жумлаларни мен нима учун ёзаяман?

Билган биродарларимиз «Жаббор акадан яхшиликлар кўргансан, ёзсан-да!» дейишаётганларини ҳам ҳис қилиб турибман.

«Ҳа, мен ва менинг бир қанча тенгқурларим у кишидан муруватлар кўрганмиз. Бирок биз у кишидан нима қарздормиз, қанча қарздормиз, аниқ тасаввурга келтирилган эмасмиз. Қолаверса, бу мақолани ҳам биз нимагадир тир қилиб ёзаётганимиз йўқ. Аслида, Жаббор ака бизга қилган муруватлари олдидан бу ишимиз сариқ чақчалик тош босмаслиги ҳам аниқ.

Ҳар қалай, ҳозир ният, муборак олтимиш ёшнинг қаршилаб турган мана шу кунларда у киши ҳақида дилдан уч-тўрт оғиз сўз айтиб, кўнглимизни кўтариб олишдан бошқа нарса эмас.

Ўзим туғилиб ўсган юртим Андижонда Жаббор Раззоқовдан яхшилик кўрганам, қандоқ қилиб кўнглини олсам экан, деб юрган юзлаб инсонларни биларман. Қизғин шундаки, улар тўрт касб эгалари: оддий этиқдўздан тортиб, ҳўжалик, туман раҳбарларигача...

Журналист дўст, ёр-биродарларимиз орасида Жаббор Раззоқов деган номини кўнглининг тўрида ардоқлаб яшайдиган шоғирларни беҳисоб. Вилоятда оқсоқол исмини эсласангиз, оғзидан бол томадиган кадрдонларининг сон-саногини йўқ, Биргина Избоскан туманининг ўзидан Беғижон Раҳмон, Умрзоқ Иброҳим, Қамчибек Кенжа, Абдулла Комил, Илҳом Эгам Назар, Йўлдош Исоқов, Наби Жалолдин, Наби Нажмиддин, Ҳалимжон Тохир, Муҳаммад Мирзаабдулло, Абдулгани Дамин, Рустам Аҳмадали, Қозим Улмас... Хай, улар жуда кўпда-е!

Худо раҳмат қилгур дўстим, ажойиб публицист Фозилжон Шодмоналиев Жаббор акага ўзгача бино қўйғувчилардан эди. У айрим ҳамкасблари, ака-укаларидан фарқи йўроқ ўзгалардан, аиникса, устозларидан кўрган яхшиликларини бир бўлакча хотирлаб, миннатдорчилик туйғуларини изхор этишдан оғринмай-диган гўзал табиатли инсон, фазилат соҳиби эди. Жаббор акадан гапирсангиз кўзларни пориллаб, қувониб кетгучи эди. «Жаббор ака... зўр одам-да!» деган гапни шунча қайрат ва фаҳр билан айтгандай, шоғирдининг ўз устозидан ифтихор туйғуси кироий шундай бўлса, деб ҳавасларимиз кеп кетарди.

Фозилжоннинг умри қисқа экан. У фожияли ҳалок бўлган кунларда Жаббор оқсоқолнинг бўзлашларини ёзсам... Бу ҳам энди алоҳида мақола.

Ҳа, Жаббор ака инсонни, инсонийликни инжа сезимлар билан қадрлайдиган, меҳроқибатни, устоз-шоғирдик муносабатларини ўзига хос ўлчам ва андозларда қамол топтириб, эҳтиётлаб, ардоқлаб яшайдиган инсонлардан бири.

Ўрни келиб қолди, ўзим билан боғлиқ битта марҳаматини қаламга олмасам, кўнглим сира ўрнига тушмайди.

2006 йил оёқлаётган кунлар эди. Жаббор ака, Шомухиддин ака, Турғун акаларни кўргим келиб «Ўзбекистон» нашриётига кирдим. Жаббор ака мен билан салом-алиқни қисқа қилиб ичкарироқдаги хоналардан бирига етакдилар. Турдаги столда нашриётнинг янги ходими, таниқли ёзувчи Тўлқин Хайит ўтирарди. Оқсоқол эшиқдан кириб-қирмай:

— Тўлқинжон, кейинги йил темпланига Абдунабини ҳам киритиб қўй, — деди-ю чиқиб кетдилар.

Кутилмаган бу муруватдан доврираб қолдим. Бироқ яқиндагина «Шарқ» нашриётида тўпلامин чиққан эмасми, янги шеърлар йўқ ҳисоби эди. Шоша-пиша оқсоқолнинг ортидан чоғлим ва ҳазил аралаш мингирладим:

— Жаббор ака, Сизга раҳмат-у, хабарингиз бор, янги кўз ёрган аёлдайимиз, ҳозир... Бор будимиз... ўша китобда чиқиб кетди... Оқсоқол андишани йнғиштири дегандай гудранди:

— Ниचेво, битта китоб ёзиш сен учун унчалик қийин иш эмас. Ҳали уч-тўрт ой вақт бор. Ҳаракатингни қил...

Шундай сўзлардан сўнг илҳоминг жўш урмайдими?

Тўлқинжон ҳам эски кадрдонлардан эмасми, Жаббор аканинг тақлифи мойдек ёқиб тушган эди.

Ана шу суҳбатдан ярим йил ўтиб-ўтмай, ана битта шеърини тўпلامим — «Кўзлари дарёйим-ай!..» босилиб чиқди.

Азиз ўқувчи! Энди ўзингиз айтинг, бозор иқтисодийти исканжасига олиб, мушук беркорга офтобга чиқмай турган бугунги кунда қайси ношир шундай қилади?..

Ана энди «Тугруқхонада танишинг бўлмаса ўғил кўриб бўлсан...» жумласига қайтасан ҳам бўлади.

Аслида, «Умр бир қўшиқ»қа кирган нарсаларнинг аксарияти ўша тоталитар тузум даврида ёзилганлиги шундоққина сезилиб туради.

Узунқулқоқ гапларга қараганда, ўша давр цензорининг «секретный» папкаларида ёшлар газетасининг беш муҳаррири Жаббор Раззоқовнинг ҳар йили «Фалон мақоладаги фалон-фалон фикрлар учун барча жавобгарликни ўз бўйинига оламан», деган мазмундаги тилхатлари тўпلامни қолар экан.

Демак, қиллардир ёзган дадил мақолалар жавобгарлигини бўйинига олиб, бошини кундага қўйишдан тоймай ишлаган Жаббор Раззоқов ўзи ёзган асарлари жавобгарлигини бўйинига олиб чоп этадиган мард муҳаррирлар тоғлиғунча, жамият ўзгарди. Даврон мустақилликка дўнган. Бунгача, албатта, қаҳрамонимизнинг ёши ҳам олтимишга қоралаган...

Мутолаа

Беш-олти йил муқаддам кичкина қизим эртақлар китоби совға қилишимни илтимос қилганди. Уйда борини биргалашиб ўқиб бўлганимиз боис нуқул «Янгисини олиб беринг», дея ҳархаша қилавергач, китоб дўконларига бир қур назар ташлаб чиқдим. Вилоятдан топилмаган нарса марказдаги дўконлардан топилар деган илинжда, ҳатто бир гал тахририятга келганимда Тошкентдаги китоб расталарини ҳам айлиниб чиққан эсимда. Уйга бир қучоқ болаларбоп эртақ китоблар билан қайтандим.

Ўзимиздан чиққан «Андерсен» бобо

— Ўзимиздан чиққан «Андерсен»нинг эртақлари билан ҳам танишиб чиқинг-чи, — деб қолди ёзувчи Маҳид Абдураимов. Термизда бўлиб ўтган матбуот анжуманидан кайтайтиб, қўлимга эндигина босмадан чиққан китобини тутқазиб — Агар хотирман панд бермаётган бўлса, бу ўзбек эртақсини номи билан чиқётган биринчи эртақлар китоби бўлса керак.

Айни болаларбоп шакл ва мазмунда чоп этилган китоб муаллифига эътибор қиламан: «Парда Исмоилов — Термиз давлат университетининг доценти».

«Ақл билан бахт» деб номланувчи эртақлар тўплами Маҳид Абдураимов муҳаррирлигида нашрга тайёрланиб («Адабиёт жамғармаси» нашриёти. Тошкент — 2006 й.), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Болта Ериев сўзбошиси билан бошланади.

Китобга киритилган 54 та каттаю кичик эртақ ва ривоятларни ўқиб ўша олис болаликка қайтгандек бўлдим. Мазкур эртақлар ва ривоятлар билан танишган каттаю кичик китобхон худи шу ҳолатни ўзига хис қилиши шубҳасиз. Балки ўзимизнинг қадим ҳаёт тарзимиз, урф-одатларимиз соф халқона оҳанг, содда ва раван тилда, шарқона манзарада тасвирланган ривоятларни анчадан буён ўқимаган, эшитмаганимиз таъсирлиқлар бу...

Китоб аввалига киритилган «Сўз бошини» шундай фикрларни учратамиз: «Парда Исмоиловнинг сизга тақдим қилинаётган ушбу китоби болаликда эшитгангиз ўша эртақлар. Хайрият, улар қайси бир қалблар қаттида, қайси бир «сеҳрлар»лар гўшасида яшаётган экан... Муаллиф оталаримиздан эшитган эртақларни имкон қадар тиклашга интиланган, уларнинг айримларини бириктириб, янги эртақ яратишга ҳаракат қилган, энг муҳими, эртақ руҳини сақлаган... Менимча, бу эртақлар мустақил юрт маънавиятига самарали хизмат қилади. Болалар кўнгли янги қувончлар билан бойийди. Улар Парда Исмоилов сиймосида яна бир бор «эртақчи бобо»га, образли қилиб айтганда, ўз «Андерсен»ига эга буладилар.

Китобнинг номланishiда ҳам миллий эртақларимизга хос бўлган рамзий маъно муҳассам қўрилади. Яъни халқ ривоятларида ҳамма ақл разолат устидан, яхшилик ёмонлик устидан, бахт ва омад омадсизлик устидан галаба қилади. Ақли, фасоҳатли инсонлар доимо эртақ охирида бахт топадилар, яхшилик йўлида муродларига етадилар. «Ақл билан бахт» эртақлар тўпلامини ўқиган ҳар бир ўқувчи бунга яна бир қарра амин бўлиши шубҳасиз.

Мақта ва оилавий кутубхоналар, боғчаларда бу каби янги эртақлар китобига бўлган талаб анча юқори эканлигини инобатга олсак, унинг атиги... 500 нусхада чиқарилгани, албатта, мақсадга мувофиқ эмасдек. Китобнинг лотин алифбосида режалаштирилётган кейинги нашрида ноширларимиз бунини инобатга олсалар, яна минглаб болажонларимизнинг қалбини маърифат нуридан баҳраманд қилган бўлармидилар.

Даврон ОРИПОВ



Фаолият

Ташаббускорлар Бағдоддан қанот қоқадди

Гап халқ таълими борасида кетяпти. Тизимнинг вилоят бошқармасида ҳам, туман ҳокимлигида ҳам бағдодлик мактаб ўқувчилари орасида потирлаб бўй кўрсатаётган спортчи-чемпионлар, олимпиада голиблари, қатор-қатор истеъодлар ва салоҳиятли ўғил-қизлар, мамлакатимизнинг энг нуфузли ўқув юртларини шитоб билан забт этаётган ёшлар ҳақида фахрланиб гапиришадди.

Хўш, бу чашманинг манбаи қаерда? Турган гап, аввало, бошқалар қатори Бағдод туманида ҳам ёш авлод таълим-тарбияси учун муҳайё шарт-шароитлардан тортиб, эртанги кунга бўлган умид ва ишонч ҳисси, кўтаринки руҳ ва, албатта, бағдодлик ўқувчилар жамоасининг ташаббускорлиги ҳамда изланувчанлигида, уларнинг заҳматли меҳнати ва жонқуярлигидадир.

Далиллар керакми, марҳамат. Республикаимизда биринчилардан бўлиб Бағдод туман халқ таълими бўлими шундай тажриба ўтказди: мактаб ўқувчиларининг билим савиясини, тафаккур салоҳиятинида тортиб оиладаги ўрни ва яшаш тарзи, унинг бир кунда отаси ва онаси билан қанча вақт ва асосан нималар бўйича мулоқотда бўлиши — шу каби қизиқарли жиҳатларга ойдинлик бера олувчи ёпиқ ва имзосиз анкеталар ҳаракатини ишга солди. Тадбир кутилган самарани берди. Мактаб билан оила ҳамкорлигини мустаҳкамлашда, таълим-тарбия сифатини оширишда, ўқувчи болаларнинг ижтимоий ҳолатини аниқлаб олишда анча қўл келди.

Халқ таълими бўлими ҳомийлар билан ҳамкорликда Бағдод умумтаълим мактабларида ўқиётган навқирон истеъодлар ижодидан ҳар йили гулдаста китоб чиқаришни йўлга қўйди. Кейинги икки йил ичида марказий нашриётлар эълон қилган "Бойчечаклар табассуми", "Осмони кенг орзулар" китоблари бунга мисол бўла олади.

Бағдод мактабларида болалар спорти кенг ва ибратбахш йўлга қўйилгани кўпчиликлари маълум. Айниқса, кикбоксинг бўйича вилоят миқёсидагина эмас, ҳатто республика ва халқаро мусобақаларда ҳам ном чиқарган, спортнинг бош-

қа турлари бўйича ҳам кенг танилаётган ўқувчи ёшлар сафи кенгайиб бораётганлиги қувонарлидир. 10-умумтаълим мактаби ўқувчиси, икки қарра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақа голиби Туробжон Сиддиқов, 2-иктидорли

болалар мактаби ўқувчиси, уч қарра республика ва Осиё халқаро турнирлари чемпиони Зарифжон Султоновлар шулар жумласидандир. Белбоғли кураш бўйича 2006-2007 ўқув йили давомида республика миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида голибликни қўлга киритган ўқувчи ёшлар етти кишини ташкил этди.

Жорий йилда Бағдод умумтаълим мактабларини битириб, олийгоҳларда ўқишни давом эттиришга истак билдирган ўқувчи ёшларнинг тўқсон фонидан кўпроғи мамлакатимизнинг энг

йирик ва нуфузли дорулфунунлари қабул синовларини муваффақиятли топширишди. Улар 80 нафардан кўпроқ талабани ташкил этади.

Бағдодлик мактаб ўқувчилари га бу йил барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган, компьютерлаштирилган ҳамда малакали устозлар ва мураббийлардан таркиб топган жамоаларга эга мактаблар ўз бағирларини очмоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими аълочили Дамира Юсупова раҳбарлик қилаётган Бағдод туман халқ таълими ходимларининг Мустақиллик байрами ва билимлар кўни арафасида ўтказилган август кенгашида ана шулар ҳақида, шунингдек, муайян муаммолар ҳамда олинган турган вазифаларга ба-тафсил тўхталиб ўтилди.

Шарифжон МЕЛИБОЕВ



Азиз Ўзбекистонимизнинг бунёдкор халқини, барча касбдош дўстларимизни Мустақиллик байрами билан қизинг табриклаймиз.

Буюк келажакимизга муносиб авлодни тарбиялаб камол топтиришда барча сафдошларимизга омад ёр бўлсин. Хонадонларимизни файзу барокот, масрур қалбларимизни шоду хуррамлик асло тарк этмасин.

Фарғона вилояти Бағдод тумани Халқ таълими бўлими жамоаси

Аёллари уйғоқ эл


Машҳур "Келинлар кўзғолони" фильмидаги "Озодликка чиққан Шарқ аёллари мамлакат тепасига чиқмоқчи" деган ҳазил тарзидаги гапга "Улар аллақачон тепага чиқиб олди", дея жавоб бериш мумкин. Кўз тегмасин, аёлларимиз кейинги йилларда фаоллашмоқда. Улар орасида раҳбарлар, тадбиркорлар, олималар, сиёсатчилар ҳам бор. Аёлларнинг фаоллиги нафақат оила, шубҳасиз, жамият, давлат ривожига ва фаровонлигига катта улуш қўшади.

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қорақалпоғистон филиали томонида "Фуқаролик жамиятининг шаклланишида аёлларнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил қилиниб, унда Қорақалпоғистон Республикасидаги барча соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган фаол аёллар иштирок этди. Давра суҳбатини Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қорақалпоғистон филиали раҳбари А. Палваниязов олиб борди. ФЖУИ лойиҳа раҳбари Н. Зоҳидова аёлларимизнинг ҳар жабҳадаги фаоллиги, атрофда бўлаётган ҳодисаларга бефарқ эмаслиги жамият ривожига ижобий таъсир этишини эътироф этиб, муаммолари саволлар билан иштирокчиларни мунозарарга чорлади.

Умуман олиб қараганда, қорақалпоқ хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий соҳаларда ўз фаолликларини намойиш этиб келмоқда. Улардан юзга яқини илмий изланишлар олиб бораётган бўлса, 3365 нафари турли соҳаларда раҳбарлик вазифасида меҳнат қилишмоқда. Икки нафари Олий Мажлисда, тўққиз нафари Жўқорғи Кенгесда сиёсий фаолликни намоеён этмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида, фермерлик ва тадбиркорликда ҳам шижоатли аёллар талайгина. Айниқса, уларнинг спорт соҳасидаги ютуқлари кўзни қувонтиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси А. Жанибекова мана шу ютуқларни айтиб ўтиш билан бирга давлатимиз, жумладан, Ўртбошимиз томонидан аёлларга бўлган катта эътиборни алоҳида қайд этди.

Яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, эл орасида обрў-эътиборга эришаётган аёлларимиз талайгина. Лекин билиб-билмай қинғир йўлга кириб,



жиноятга қўл ураётган, турмушда учраб турадиган қийинчиликларга дош бера олмай, ор-номусларини оёкостига этаётган

аёлларимиз ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бу каби ноҳўя ҳаракатларга бефарқ бўлмай, тегишли ташкилотлар билан бу тоифа аёлларни соғлом турмуш тарзига қайтариш масалалари давра суҳбати давомида кенг муҳокама қилинди.

Шу билан бирга тадбирда аёллар ўртасида ишсизлик масаласи ҳам буғуннинг долзарб муаммоларидан эканлиги ҳақида сўз борди. Бу ҳудуд қўшни ҳамдўстлик мамлакатлари билан чегарадош бўлганлиги сабабли ишсиз аёллар ёлланма меҳнат учун мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишмоқда. Бу эса, яъни оиладан онанинг узоқлашиши фарзанд тарбиясида салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда аёлларимизнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар мавжуд. Шулардан фойдаланиб, айниқса, қишлоқ аёллари ўртасида хунармандчилик, касаначиликни ривожлантириш эвазига бундай кўнгилхираликлардан халос бўлиш мумкин.

Давра суҳбатида мураккаб экологик муҳитда яшаётган аёлларнинг соғлигини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, маънавий ва маданий аҳолилар, урф-одат ва миллий анъаналаримизни сақлаш, аёллар орасидаги жиноятчилик, ахлоқсизликнинг олдини олиш, ёшлар тарбияси масалалари ва уларни ҳал этиш йўллари хусусида келишиб олинди. Шу билан бирга оилада ёш қизларнинг тарбияси, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш кераклиги, бу мавзуларда жойларда семинарлар ташкил қилиш зарурлиги хусусида келишиб олинди.

Аёл оила чироғи, жамиятнинг гултоғидир. Уларда жамият учун масъулият ҳисси уйғоқ экан, ҳар қандай номақбул ишларнинг олди олинди.

Саламат АЖИМОВ, ФЖУИ Қорақалпоғистон филиали илмий ходими

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди моддий кўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ

Муқаддас юртимиз аҳлини Республикамиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.

Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.

Юртимизда осойишталик, оилангизда фаровонлик ҳукмрон бўлсин, дея тилак билдирган ҳолда банкнинг «Оила фаровонлиги» истеъмол кредитидан фойдаланишни тавсия этади.

Бунда Сиз миллий хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш, уй-жой (ҳовли) ёки квартираларни таъмирлаш, дори-дармонлар сотиб олиш ва даволашни, Республикаимизда ишлаб чиқарилаётган узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш, оилангиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида иссиқхона ташкил этиш, чорва моллари ва паррандалар сотиб олиш ҳамда оилангиз фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган бошқа имконият ва қулайликларга эга бўласиз.

ОИЛАНГИЗ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИ ЭВАЗИГА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНГИЗИНИ ОШИРИНГИ!

Хабар

ZiyoNET портали ишга тушди

Интернет тармоғи орқали мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳаётига оид бой ахборот олишни истаган ёшлар учун яхши хушхабар. Яқиндан бошлаб ZiyoNET ресурс маркази янги ахборот порталини ишга туширди. Ахборот базаси тубдан янгиланган ва бойитилган портал фойдаланувчига бир қатор имкониятлар беради. Хусусан, ўқувчилар тармоқдан турли соҳалар бўйича энг сўнгги маълумотларни олишлари мумкин. Замонавий интернет порталларида дизайн бирламчи унсурлардан бири саналади. Ана шу талабдан келиб чиқиб, ZiyoNET портали дизайни ҳам қайтадан ишланган. Натижада тармоқ янада ёрқинроқ қиёфа касб этган. Энг муҳими, портал маълумотлари фойдаланиш учун қулай усулда жойлаштирилган.

Порталнинг бош саҳифасида бири-бирдан қизиқарли бўлимлар ўрин олган. «**Нашрлар**» (Публикация) бўлимида турли мавзулардаги хабарлар, репортажлар, шарҳлар, мақолалар чоп этилган. Ўқувчига қулай бўлиши учун барча материаллар йўналиш, мавзу ва сана бўйича гуруҳланган. Бўлимда шу билан бирга видео материаллар ҳам мавжуд.

«**Каталог**» бўлимида Ўзбекистон сайтлар рўйхати берилган. Мамлакатимиз веб-ресурслари ҳам мавзу ва йўналиш бўйича жойлаштирилган. Шунингдек, ушбу бўлимда **www.uz** миллий қидирув тизими рейтинг натижалари билан ҳам танишиш мумкин. «**Кутубхона**» (Библиотека) бўлимида турли фан соҳалари бўйича китоблар, қўлланмалар,

мақолалар ва материаллар берилган.

Порталнинг кўнгилочар саҳифалари орқали ZiyoNET ресурс маркази ўтказаетган танловлар ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Дарвоқе, халқаро тармоқда уюштирилаётган қизиқарли беллашувларда фойдаланувчилар ҳам қатнашиш имконига эгалар.

ZiyoNET портали **ID.UZ** ягона бошқарув тизим билан боғланган. Тизим орқали рўйхатдан ўтган фойдаланувчи UZINFOCOMнинг барча лойиҳаларида иштирок этиш ҳамда портални янги ресурслар билан бойитиш имкониятини қўлга киритади.

Кенг фойдаланувчилар оммаси, хусусан, ёшларга мўлжалланган портал айна пайтда ишлов бериш босқичида. Шу боис унинг иш тизимида айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланиши мумкин. Лекин ресурс марказ ходимларининг маълум қилишича, ҳозирда камчиликларни бартараф этиш, портални янада бойитиш, қўшимча манбалар билан кенгайтириш устида фаол иш олиб боришмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Алишер Навоий номидаги Марғилон педагогика коллежи жамоаси юртимиз аҳлини Мустақиллик байрами билан қизинг кутлайди!

Зиммамизга ёш авлодни тарбиялаш ва буюк келажакимиз учун муносиб даражада камол топтиришдек фоят шарафли вазифа юкланган. Ана шу улуғ мақсад йўлида бор кучимиз ва билимимизни аямаймиз.

16 йиллик тўйинг муборак, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ИИМ "УРАНГЕОЛОГИЯ" ДЖ

Азиз халқимизни энг улуғ байрам — Мустақиллик куни билан чин юракдан қутлайди!

Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик, оилавий бахт ва истиқлолни мустақамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилайди.

Ҳамиша омон бўлинглар. Юрт равнақи учун меҳнат қилишда, кўзланган олижаноб мақсадларингизнинг амалга ошувида омад доимо ёр бўлсин!

Жавоб

Ҳар қандай ислохот халқ турмуш тарзини юксалтиришга қаратилади. Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодийни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири соҳага чет эл инвестициясини жалб этишдир.

"ВАЦЭТ" мавжуд, фақат манзили ўзгарганди

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инвесторларни қўллаб-қувватлашга доир бир неча қонун ва қонунли ҳужжатлар амалга киритилди. Мамлакатимизда бугунги кунда минглаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатяпти. Ва уларнинг сони янада кўпайиб бориши шубҳасиз. Аммо томонлар ўртасидаги муаммолар соҳа ривожига таъсир этмасдан қолмайди. Гап нима ҳақда бораётганини газетхонлар сезган бўлсалар керак. Шу йилнинг 23 августда "Hurriyat" газетасида "Хумсон санаторийси" АЖ директори Р. Сағдуллаев ҳамда "O'zbekqishloqsavdo" МЧЖ ҳуқуқшуноси М. Наврўзованинг "ВАЦЭТ"ни излаб юрибмиз" деб номланган мақбури эълон қилинди. Унга жавоб бериш учун гапни бироз ўтмишдан бошласак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги Фармонига биноан "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компанияси тугатилиб, унинг негизи ва вориси сифатида "O'zbekqishloqsavdo" корхонаси ташкил этилади. "O'zbekqishloqsavdo" корхонасининг 35 фоизлик, Россия Федерациясининг "Шарқий Осиё иқтисодиёт ва савдо маркази" ("ВАЦЭТ") компаниясининг 65 фоизлик улуши асосида устав фонди 9,2 млн. АҚШ доллари бўлган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "UzRossel Trade" қўшма корхонаси рўйхатга олинди.

"ВАЦЭТ" масъулияти чекланган жамият қўшма корхона низомида белгиланган жамгармани шакллантириш учун шу кунга қадар 3,3 млн. АҚШ доллари киритди. Аммо "O'zbekqishloqsavdo" масъулияти чекланган жамият қўшма корхона низомида белгиланган улуши, яъни бино-иншоотлар кўринишидаги мулкнинг бирортасини ҳам расмийлаштирмаган. Буни амалга ошириш ҳозиргача амримаҳол бўлиб турибди. Сабаби, қўшма корхона низоми жамгармисига улуш қилиб киритилган "Бекобод база" шўъба корхонаси аплақачон сотилиб кетган бўлса, "Матлуботқурилиш" шўъба корхонаси мулки эса бошқаларга ўтиб кетган. "Ўзбекқишлоқсавдо" МЧЖ қўшма корхона ташкил этишда юқорида зикр этилган икки корхонанинг қалбаки кадастр ҳужжатларини тақдим этган. Кўринадими, "Ўзбекқишлоқсавдо" МЧЖ қўшма корхона фаолиятини ривожлантириш учун зиммасидаги мажбуриятни бажарганича йўқ.

"UzRossel Trade" қўшма корхонаси Республикада қишлоқ савдосини ривожлантириш, аҳоли таъминоти масалаларида ҳудудий "Матлуботсавдо" компанияларига кўмаклашиш ва қишлоқда қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш

ҳисобига қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш каби мажбуриятлардан ташқари "Ўзбекбирлашув" АЖнинг банк ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзларини тўлиқ қоплашни ҳам ўз зиммасига олган эди. Шу мақсадда қўшма корхона "O'zbekqishloqsavdo" МЧЖ билан заём шартномаси имзолаб, қўшма корхона низоми фондидан "O'zbekqishloqsavdo" МЧЖ ҳисоб рақамига жами 1 млрд. 447 млн. сўм ўтказиб берди. Аммо "O'zbekqishloqsavdo" МЧЖ назарда тутилган давлат корхоналарининг эмас, балки эски ҳамқори саналган "Шакаринвестмент" АЖ олдидаги қарзини ёпади. Ваҳоланки, "Ўзбекбирлашув" АЖни тугатиш ишида иштирок этган кредиторлар комиссияси хулосасига кўра меросхўр "O'zbekqishloqsavdo" МЧЖ "Ўзбекбирлашув" АЖнинг бир қатор муассасалар, яъни ТИФ "Миллий банки" (1,6 млн. АҚШ доллари), АТ "Ипотека банки" (1,2 млрд. сўм), АТ "Савдогар банки"дан (780 млн. сўм) ҳамда Молия вазирлиги (1,2 млрд. сўм) олдидаги қарзларидан қўтилиши керак эди. "O'zbekqishloqsavdo" МЧЖ ҳозирда қўшма корхона билан тузилган заём шартномаси шартларини ҳам бажармай келмоқда.

Р. Сағдуллаев ва М. Наврўзова ўз мақбурида олинган пуллар нимага сарфланганини тилга олишмаган. Улар "ВАЦЭТ" МЧЖ манзили нотўғри деб ёзишди. Гап шундаки, "ВАЦЭТ" манзили 2006 йилнинг ноябрь ойида ўзгарган ва бу ҳақда "O'zbekqishloqsavdo" МЧЖ директори Г. Собировга 2006 йил 10 ноябрда ёзма равишда хабар берилган. "O'zbekqishloqsavdo" МЧЖ ҳуқуқшуноси М. Наврўзованинг бундан беҳабар қолгани бизни ҳайратга солади. Р. Сағдуллаев масаласига келсак, 2007 йилнинг 16 августда "Хумсон" санаторийси ОАЖ Кузатов кенгаши йиғилиши ўтказган "Акциядорлар жамияти ва акциядорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 81, 82 ва 83 моддасига мувофиқ Раҳматулла Сағдуллаев жамият низомида белгиланган қоидаларни бузгани, Кузатов кенгаши талабларини бажармагани учун директор лавозимидан озод этилган. Кузатов кенгаши амалдаги қонун ва қонунли ҳужжатларига асосланиб, 1 ой ичида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказди ва янги раҳбар сайланади. "ВАЦЭТ" масаласига келсак, у ўз жойида, директор А. Оғай эса шу ерда, "O'zbekqishloqsavdo" биносида ўтирибди. Демак, ҳеч ким ҳеч қаёққа кетгани йўқ.

Н. ЛАПЛЕВА,
ҳуқуқшунос

P.S. Сўз эркинлиги тамойилига амал қилган ҳолда ҳар икки томон учун ҳам тенг имконият яратдик. Бундан мақсад воқеликни бор бўйи билан акс эттириш, муаммоларга ойдинлик киритиш ҳамда уларни бартараф этишга кўмаклашишдир. Ваколатли идоралар унга, албатта, ўз муносабатларини билдирадilar, деб умид қиламиз.

Тарбия

Болаликка бахшида ҳаёт

Жажжи болакайлар чехрасидаги чарогонлик нашидасига нима етсин. Уларнинг қувноқ ва қайноқ ҳаётини мазмунан бойитиш, соғлом ва бахтиёр ўқишларини таъминлаш ишининг нақадар шарафли эканлиги-чи!

Фарғона шаҳар ҳокимлигининг халқ таълими бўлими тасарруфида мактабгача таълим иши талаб даражасига кўтарилган, ёш болалар учун барча гамхўрликлар муҳайё этилган муассасалар бир талай. Жумладан, Соҳиба Жаҳонова, Зулфия Нишнова, Фаридат Йўлдошева, Вазира Исроилова ҳамда Людмила Ли мудирик қилаётган 51, 7, 1, 49 ва 39-болалар боғчаларини тилга олиш мумкин.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг мактабгача тарбия бўйича етакчи мутахассиси, ўз иши учун фидойи инсон Саноатхон Тожибоевнинг бир гапи ёдда қоладиган бўлди:

— Болалик дунёси билан боғлиқ касбни эгаллаш қийин иш эмас. Лекин бу касбнинг масъулият юкини ҳамма ҳам ҳис этавермайди. Бунинг учун ондан ҳассос қалб билан, табиий иқтидор билан иймон ва виждон нурига йўғрилиб туғилган бўлиши лозим...

Шу ўринда беихтиёр шаҳар марказида жойлашган 14-мактабгача таълим муассасаси кўз олдимизга келади. Мазкур боғча камқонли болаларни соғломлаштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, унинг жамоаси фаолиятидаги ибратбахш ишлардан беихтиёр ҳаёжонга тушасиз.

Азим чинорлар бир-бирлари билан тутшиб кетган соя-салқин сўлим ва обод маскан қўйнида жажжи болакайлар учун ҳавас қилса арзиғулик шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Боғча эмас, болалар учун атайлаб барпо этилган роҳатижон сийҳаттоҳ ёхуд оромгоҳ дейсиз. Ҳиёбонлар четиде гулу гулзорлар, чўмилиш ҳавзаси ва жисмоний тарбия майдончалари кўзни қувонтиради. Корпуслар ичида эса ёруғ ва озода хобгоҳлар, компьютерлар ва бошқа турли хил замонавий технологик асбоб-ускуналар, даволаш амалиёти қуроллари билан жиҳозланган хоналар, услубхона, шинам ошхона, тадбирлар зали ҳамда кўнгилли дам олишга

она тилидан ташқари инглиз ва рус тилларидан дастлабки сабоқлар ҳам бериш жорий этилибди. Даволовчи ҳоким Наталя Шпагина ва тиббий ҳамшира Маъмура Жалилова, услубчи Феруза Йўлдошева, тарбиячилардан Елена Шахрамонова, Ольга Лукина, Татьяна Йўлдошева, Насиба Мамажонова, Раънохон Охунова ва бошқаларнинг болалар саломатлигини тиклаш ҳамда таълим-тарбияси жараянини юксак савияда олиб боришга амин бўласиз.

Биз учун мамнуният билан тилга олаётган ана шу муассасага қирқ йилдики, Манзура ая Норматова мудирик қилиб келадилар. Унинг ўз бурчига садоқати, заҳматқашлиги, болаликнинг бе-

ғубор дунёсига ўзи ҳам табиатан беғубор муносабатда бўлиши, бутун куч ва билими, қолаверса, ўз умрини ана шу муқаддас йўлга тикканлиги боис, бу давр ичида у қанчадан қанча инсонлар қалбида юксак эҳтиром чўғини қолдирган.

Чехрасида меҳр ва самимият шуъласи аксланиб турувчи хушқалом ва оққўнғил, камтарин, меҳрибон ва мунис бу онахонни шаҳардаги боғча мудираларининг деярли барчаси ўзларига мураббий ва яқин маслаҳатчи сифатида тан олишади. Боғча болалари эса "Бувижон" дея унинг бағрига отилишади.

Шу ўринда яна беихтиёр мутахассис Саноатхоннинг юқорида келтирилган гаплари эсга тушади. Ҳа, бу касбда ўрин тоғмўк учун чиндан ҳам ондан болаликка бахшида умр билан туғилмоқ керак экан.

® МУХБИРИМИЗ



Истиқлол байрами барчамизга муборак бўлсин!

Мустақиллик инъом этган буюк неъматлар: Хуррият, яшаш ва яратиш бахти, фарзандларимиз иқболи билан сархуш халқимизга энг эзгу тилақларимизни йўллаймиз. Фарғона шаҳридаги 14-мактабгача таълим муассасаси жамоаси




Сана

31 август — Каттагон қурбонларини ёд этиш куни

«Хуррият»нинг кўксига гул тақайлик»

Абдулхамид Чўлпон жўшқин шеърларида Ватан сўзиди...



сўзиди бўлиб ўтган. Унда Туркистонга мухторият берилган...

Бойбўта Дўстқораев, доцент

1917 йил февраль тўнтарыши окубатида чор ҳукумати йўқитилган...

сусан, уларнинг гайратли ёшлари «хурриятимиз» бетларидаги қора чиммат...

вакиллари: «Сизлар мухторият олган билан, ҳозир уни бошқарадиган кадрларга эга эмасиз...

Бу ҳайъатда қанча киши ва улар кимлар бўлгани ҳозирча бизга маълум эмас...

лик... Чўлпон ушбу ўзгаришларнинг ҳар бирини ўта зийраклик билан кузатган...

Назм

Ёруғлик

Шоирлар меҳрга зор бўлар, Кўнгли мисли оппоқ қор бўлар. Сиз уни авайлаб-асрангиз, Имкони бир қадар тор бўлар.

Бошинга келса ҳам қотил, ҳеч қачон юз тубан кетма, Дилингда борини тўқил, чекинма, бесучан кетма.

Ёруғликка чиқиб керак, ёруғликка, У элгиди руҳиятни ишқу эрка.



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари

Танқид ёмон асар билан китобхон орасида даллол, ширинкомага виждонини сотадиган даллол бўлмастидея керак.

Кечмиш

Кирнинг беткайда ўтлаб юрган кўйлар ичиндан серка ёнбошга ўтиб, катта эрганиш лабига келиб қолди.

Доҳий ва... Малла бова

Малла бова деярли ўқимаган. Умри тоғларда кўй боқиб (кишлоққа ҳам 10-15 кунда бир келиб) ўтган одам, пулиям, 10 сўмга санай олар, 10 сўмдан юқорисига чалқашиб кетар эди.

Мелисахона шекилли, машиналар, мелисалар кўп экан. Турдаги қора қопламали эшикка олиб келишди. Бошлик экан: «Гражданин, Малла Дўстқораев, сизнинг халқ орасида ақиллиқлигини, бузуқ мафкура тарғиботини олиб бораётганингиз ҳақида маълумотнома бор!»

Кўйибман. Тавба қилдим, болам, тавба қилдим!... «Хозир бу ҳақда тушунтириш хати ёзиб берасиз. Катта мелиса шундай деб бир ёққа чиқиб кетиб, анча ҳаяллади.

берди. Мана, бўлди ўзингиз кўл кўясиз-да, деди. «Кўл? Ҳа, читиб-читиб кўйишим, биламан, биламан, пенсияни ҳам шундай қилиб олаётман-да.

HURRIYAT newspaper advertisement with contact information, subscription rates, and a small illustration of a tree.